



TRANSFER OF PROPERTY SEIZED BY CUSTOMS AUTHORITIES TO STATE REVENUE AND IMPROVE PROSECUTORIAL CONTROL OVER THEM

Axrorbek Anvarovich Arziyev

*Independent researcher at the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: customs authorities, customs control, transfer to state revenue, trade organizations, trade discount, prosecutor's control, decision, etc.

Received: 13.01.26

Accepted: 14.01.26

Published: 15.01.26

Abstract: This article describes the procedures, principles and theoretical aspects of the transfer of property seized by customs authorities to state revenue. The article also provides information on the implementation of laws in customs authorities, including prosecutorial control over the transfer of property to state revenue.

БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ОЛИБ ҚЎЙИЛГАН МОЛ-МУЛКЛАРНИ ДАВЛАТ ДАРОМАДИГА ЎТКАЗИШ ҲАМДА УЛАР УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ахрорбек Анварович Арзиев

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси
Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи
адлия катта маслаҳатчиси
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: божхона органлари, божхона назорати, давлат даромадига ўтказиш, савдо ташкилотлари, савдо чегирмаси, прокурор назорати, қарор ва бошқалар.

Аннотация: Ушбу мақолада божхона органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулкларни давлат даромадига ўтказилиши тартиблари, амалга ошириш асослари ҳамда назарий жиҳатлари баён қилинган. Шунингдек, мақолада божхона органларида қонунлар ижроси, шу жумладан, мол-мулкларни давлат даромадига ўтказиш устидан прокурор назоратини амалга ошириш билан боғлиқ маълумотлар ёритиб берилган.

ПЕРЕДАЧА ИМУЩЕСТВА, ИЗЪЯТОГО ТАМОЖЕННЫМИ ОРГАНАМИ, В ДОХОД ГОСУДАРСТВА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА ЗА ЭТИМ

Ахрорбек Анварович Арзиев

Независимый соискатель

Академии правоохранительных органов Республики Узбекистан

Начальник Ташкентского городского управления Бюро принудительного исполнения

Старший советник юстиции

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	Аннотация:
таможенные органы, таможенный контроль, передача в доход государства, торговые организации, торговая скидка, прокурорский надзор, решение и т.д.	В статье рассматриваются процедуры, принципы и теоретические аспекты передачи имущества, изъятого таможенными органами, в доход государства. Также анализируются вопросы исполнения законодательства в деятельности таможенных органов, включая прокурорский надзор за передачей имущества в доход государства.

Ўзбекистон Республикасида божхона органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулкларни давлат даромадига ўтказиш институти иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, контрабанда ва ноқонуний товар айланмасига қарши курашишнинг муҳим механизмларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда ташқи савдо ҳажмининг ошиб бориши, логистика тизимларининг ривожланиши, электрон омборлар ва назорат механизмларининг кенгайиши божхона соҳасида тартиб-интизом ва қонунийликни янада мустаҳкамлашни тақозо этмоқда.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, божхона органлари экспорт қилиш тақиқланган товарлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ноқонуний олиб кириладиган ёки транзит қоидалари бузилган айрим маҳсулотларни олиб қўйиш ваколатига эга. Бундай мол-мулклар жиноий ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик предмети сифатида қаралади ва улар бўйича кейинчалик давлат даромадига ўтказиш ёки йўқ қилиш масаласи ҳал этилади.

Олиб қўйилган мол-мулкларни давлат даромадига ўтказиш — бу фақат жазо чораси эмас, балки контрабандадан олинган ноқонуний даромадларни легал иқтисодиётдан ажратиб ташлаш, молиявий жиноятларга қарши самарали курашиш воситаси ҳамдир.

Шу билан бирга, амалиётда божхона органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулклар тақдирини белгилашда айрим ҳуқуқий бўшлиқлар, ҳуқуқни қўллашда ягона ёндашувнинг йўқлиги, баҳолаш жараёнидаги шаффофлик каби муаммоларнинг

мавжудлиги, бу соҳада прокуратура назоратининг самарадорлигини оширишни талаб қилади.

Божхона органлари томонидан мол-мулкни олиб қўйиш ва кейинчалик уни давлат даромадига ўтказиш қўйидаги асосий ҳуқуқий манбалар билан тартибга солинади:

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси:

– божхона қонунчилиги бузилган ҳолларда товарлар ва транспорт воситаларини олиб қўйиш, мусодара қилиш ва улар тақдири масалаларини белгилайди;

Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 15.07.2009 йилдаги 200-сон қарори:

– давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сақлаш, баҳолаш, сотиш ёки йўқ қилишнинг ягона тартибини ўрнатади.

Ушбу ҳужжатлар божхона органларига ваколатли давлат органи сифатида мол-мулкни олиб қўйиш ва унинг кейинги ҳуқуқий тақдирини белгилаш имконини беради.

Божхона органлари томонидан мол-мулк қўйидаги ҳолатларда олиб қўйилиши мумкин:

- экспорт ёки импорт қилиш тақиқланган товарлар;
- божхона қонунчилигини бузган ҳолда олиб кирилган ёки олиб чиқиладиган товарлар;
- акциз маркаси билан маркаланмаган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари;
- транзит қоидалари бузилган ҳолда ташиладиган товарлар;
- маъмурий ёки жиноий иш бўйича ҳуқуқбузарлик предмети ҳисобланган мол-мулк.

Бу ҳолатларда мол-мулк ҳуқуқбузарлик предмети ёки воситаси сифатида олиб қўйилади ва унинг тақдири тегишли қарор билан ҳал этилади.

Божхона органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулк умумий қоидага кўра Мажбурий ижро бюроси омборларига эмас, балки махсус ташкил этилган «Божхона-сервис» давлат муассасаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига топширилади. Бу тартиб божхона олиб қўйган мол-мулкларнинг хавфсиз сақланишини, ҳисобини юритишни ва кейинги ҳуқуқий ҳаракатларни самарали ташкил этишни таъминлайди.

Олиб қўйиш жараёнида ваколатли мансабдор шахс томонидан протокол тузилиб, унда мол-мулкнинг хусусиятлари, яъни номи, миқдори, ўзига хос белгилари, ҳуқуқбузарлик мазмуни ҳамда қўлланиладиган ҳуқуқий нормалар аниқ кўрсатилади. Мазкур ҳужжат кейинчалик мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш масаласини ҳал этишда асосий далил сифатида хизмат қилади.

Олиб қўйилган мол-мулкнинг истеъмолга яроқлилиги, хавфсизлиги ҳамда қийматини аниқлаш мақсадида экспертиза ва баҳолаш ишлари амалга оширилади. Айрим турдаги товарлар, жумладан алкогольли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, дори воситалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари мажбурий экспертиза ва сертификатлашдан ўтказилади.

Олиб қўйилган мол-мулк бўйича мажбурий равишда: истеъмолга яроқлилиқ экспертизаси; хавфсизлик ва мувофиқлик экспертизаси; бозор қийматини аниқлаш мақсадида баҳолаш амалга оширилади.

Айрим товар турлари (алкогол, тамаки, дори воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари) бўйича экспертиза хулосаси асосида: давлат даромадига ўтказиш, ёки мажбурий равишда йўқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Божхона қонунчилиги бузилиши муносабати билан олиб қўйилган автотранспорт воситалари эса божхона қиймати ва тўланиши лозим бўлган божхона тўловларидан кам бўлмаган қийматда баҳоланиши шарт. Бу ҳолат давлат манфаатларини молиявий жиҳатдан тўлиқ таъминлашга қаратилган.

Мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш суд қарори ёки қонунчиликда белгиланган ҳолларда ваколатли орган қарори асосида амалга оширилади. Қарорда қуйидагилар аниқ кўрсатилади:

мол-мулкнинг номи ва миқдори;

унинг баҳоланган қиймати;

давлат даромадига ўтказиш ёки йўқ қилиш усули.

Қарор қонуний кучга киргандан сўнг, ижро ҳужжати сифатида ижрога юборилади.

Мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш ёки йўқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш

Қарорга мувофиқ фойдаланишга яроқли мол-мулк сотилади, тушган маблағлар давлат бюджетига йўналтирилади, хавфли, контрафакт ёки яроқсиз мол-мулк йўқ қилинади, айрим ҳолларда эса қайта ишлаш учун топширилиши мумкин. Барча жараёнлар давлат назорати остида ва ҳисоб-китоб асосида амалга оширилади.

Прокурор назоратининг ҳуқуқий аҳамияти ва моҳияти. Божхона органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулкларни давлат даромадига ўтказиш жараёнида прокурор назорати қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган муҳим институционал механизм ҳисобланади. Мазкур назорат ҳуқуқбузарлик предмети бўлган мол-мулкнинг ноқонуний тасарруф этилишига, уни асоссиз равишда давлат даромадига ўтказишга ёки аксинча, давлат манфаатларига зарар етказган ҳолда қайтариб юборилишига йўл қўймасликка хизмат қилади.

Прокурор назоратининг асосий мақсади — божхона органлари, сақловчи ташкилотлар ҳамда ижро органлари томонидан амалга оширилаётган ҳаракатларнинг

қонунчиликка қатъий мувофиқлигини таъминлаш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда давлат бюджети манфаатларини муҳофаза этишдан иборат.

Прокурор назорати мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш жараёнининг барча босқичлари устидан назоратни қамраб олади. Жумладан, прокурор:

1. Мол-мулкни олиб қўйишнинг қонунийлигини текширади, яъни олиб қўйиш учун ҳуқуқӣ асослар мавжудлигини ва белгиланган процессуал тартибга риоя этилганлигини баҳолайди;
2. Протоколлар ва далолатномаларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини назорат қилади;
3. Олиб қўйилган мол-мулкнинг сақланиши, бутлиги ва ҳисобга олиниши устидан текширув ўтказди;
4. Экспертиза ва баҳолаш жараёнларида қонунчилик талабларига риоя этилганлигини таҳлил қилади;
5. Мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш ёки йўқ қилиш тўғрисида қабул қилинган суд ёки ваколатли орган қарорларининг қонуний ижросини таъминлайди.

Айниқса, қиймати юқори бўлган мол-мулклар бўйича прокурор назорати кучайтирилган тартибда амалга оширилади ва барча ҳаракатлар алоҳида ҳисобга олинади. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2009 йилдаги 200-сон қарори 66-бандида Мол-мулкни олиб қўйиш, давлат мулкига ўтказиш ёки уларни йўқ қилиб ташлаш, баҳолаш (қайта баҳолаш) ҳамда сотиш ваколати берилган, олинган пул маблағларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилишини таъминловчи давлат бошқаруви, назорат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши, шу жумладан, мазкур Низом талаблари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича прокуратура органлари жазонинг муқаррарлигини таъминлайдилар ҳамда қонунда назарда тутилган жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарлик чораларини кўришлари белгилаб қўйилган.

Шу маънода, прокурор назорати давлат даромадига ўтказиш институтининг самарали ишлашини таъминловчи кафолатловчи механизм сифатида намоён бўлади.

Эндиги навбатда, давлат даромадига ўтказишда божхона билан боғлиқ муносабатлар ҳамда улар устидан прокурор назоратини такомиллаштириш учун қуйидаги таклиф ва тавсиялар илгари суилади:

Биринчи, ҳозирги қонун ҳужжатлари бўйича божхона омборида муддати ўтган эгасиз товарлар қайси асосда ва тартибда давлат даромадига ўтказилиши аниқ ҳамда тўлиқ

кўрсатилмаган. Натижада амалиётда омборда муддати ўтган товарлар тақдири қандай ҳал қилиниши, уни сотиш мумкинми ёки йўқлиги, қимнинг қарори билан йўқ қилиш қаба муаммолар юзага келтирмоқда. Шу сабабли, Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2009 йилдаги 200-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди, яъни Мазкур Низом давлат даромадига ўтказиладиган мулклар тоифасига янги номрма - қўйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилиш таклиф қилинади:

“божхона омбори режимида сақлаш муддати ўтганлиги сабабли суд қарори асосида давлат эгалигига ўтказилган ёки йўқ қилинадиган, шунингдек, эгасиз дебтопилган товарларга;”

Натижада ушбу турдаги мулкларга Божхона органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулк қоидалари татб этилиб ҳал этилади.

Иккинчи, мазкур Низомнинг 18-бандига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси раиси буйруғи билан божхона органлари томонидан аниқланиб, давлат даромадига ўтказилган, шунингдек, божхона омбори режимида сақлаш муддати ўтганлиги сабабли суд қарори асосида давлат эгалигига ўтказилган ёки эгасиз деб топилган товар-моддий бойликлар (дори-дармон бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг асослантирилган сўровларига асосан тиббий-ижтимоий муассасаларга беғараз берилиши мумкин. Бунда давлат даромадига ўтказилган тиббий буюмлар экспертиза хулосаси асосида яроқли деб топилган тақдирда берилиши мумкин.”

Учинчи, ҳозирги кунда чорва моллари ва уй паррандалар тирик объектлар ҳисобланиши, доимий парвариш, озуқа ва махсус шароитни талаб қилиши, мумий товарлар қаби узоқ сақлаш қоидаларини қўллаш мумкин эмаслиги натижасида улар билан боғлиқ тартибларни амалиётда турлича талқин қилиш ҳолатлари мавжуд. Шу боис, уларга нисбатан тезкор реализация ёки бошқа қонуний чора кўриш зарур.

Шунингдек, чорва моллари ва паррандалар жамоат хавфсизлиги ёки соғлиқ учун хавф тўғдириб, инфекцион касалликлар тарқалишига сабаб бўлиши мумкин.

Шу сабабли, чорва моллари ва паррандаларга нисбатан тезкор тартиб қоидаларини қўллаш мақсадга мувофиқлиги билдирилиб, Низомнинг 39-бандига қуйидаги қўшимчалар киритиш зарур деб ҳисоблашман:

“Сақлаш муддати 72 соатгачани ташкил қиладиган тез бузиладиган товарлар, шунингдек яроқлилиқ муддати бир ой мобайнида тугайдиган товарлар, бундан ташқари

чорва моллари ва уй паррандалари уларнинг давлат даромадига ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинганидан қатъи назар, истеъмолга (фойдаланишга, қайта ишлашга) яроқлилиги бўйича экспертиза хулосаси ва уни баҳолаш вақтидан бошлаб бир сутка мобайнида олиб қўйган органнинг мансабдор шахси томонидан давлат ижрочиси иштирокида сотиш учун бериш далолатномаси билан савдо ташкилотларига сотиш учун берилади.”

Учинчи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.01.2024 йилдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1-сон Фармонида, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда мажбурий ижро тизими тезкорлиги ва самарадорлигини таъминлаш, ижро ишлари бўйича иш юритувни электрон шаклда юритишни жорий қилиш, ижро ишлари бўйича мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қўлланиладиган процессуал ҳужжатларнинг ягона электрон шаклини ишлаб чиқиш, ижро ҳаракатларини амалга ошириш вақтида ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизими орқали давлат органлари ва ташкилотларнинг барча ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш асосий вазифа сифатида белгилаб берилган.

Шунга кўра, ушбу Низомнинг 15-банди 5-хатбошини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади: “Мол-мулк рўйхати тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади. Далолатнома давлат ижрочиси, мол-мулкни олиб қўйган органнинг мансабдор шахси, шунингдек мол-мулкнинг сақланиши учун жавобгар бўлган шахс томонидан имзоланади (бунда Бюро ва божхона органлари ўртасида ахборот тизимлари орқали баённома электрон расмийлаштириладигани мумкин)”.

Бундан ташқари, 18-бандини қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдириш таклиф этилади:

“Божхона органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулкни сотиш билан боғлиқ ҳаракатлар ахборот тизимлари орқали электрон расмийлаштирилиши мумкин.”

Хулоса қилиб айтганда, божхона органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулкларни давлат даромадига ўтказиш институти бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий базада айрим бўшлиқлар ва аниқланмаган масалалар мавжуд бўлиб, улар амалиётда турлича талқин қилинишига, айрим ҳолларда эса манфаатлар ўртасидаги мувозанат бузилишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, божхона омборларида муддати ўтган эгасиз товарлар, тез бузиладиган маҳсулотлар ҳамда тирик объектлар — чорва моллари ва уй паррандаларининг ҳуқуқий тақдири масалалари қўшимча ҳуқуқий тартибга солишни талаб қилади.

Мазкур жараёнда прокурор назорати қонун устуворлигини таъминловчи, давлат манфаатлари билан бир қаторда фуқаролар ва юридик шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи муҳим қафолат сифатида намоён бўлади. Прокуратура органларининг олиб қўйишнинг қонунийлиги, расмийлаштириш ҳужжатларининг тўғрилиги, баҳолаш ва экспертиза жараёнларининг ҳолислиги, шунингдек давлат даромадига ўтказиш ёки йўқ қилиш тўғрисидаги қарорларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижроси устидан назорати ушбу институт самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, рақамлаштириш жараёнларини жорий этиш, божхона органлари ва Мажбурий ижро бюроси ўртасида ахборот тизимлари орқали электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш, процессуал ҳужжатларни электрон шаклда расмийлаштириш таклифлари амалиётда шаффофликни таъминлаш, инсон омилини камайитириш ва коррупциявий хавфларни бартараф этишга хизмат қилади.

Умуман олганда, мақолада илгари сурилган таклиф ва тавсияларни қонунчиликка жорий этиш божхона органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулкларни давлат даромадига ўтказиш механизмини такомиллаштиришга, прокурор назоратининг таъсирчанлигини оширишга ҳамда мазкур соҳада қонунийлик ва адолат принципларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. <https://lex.uz/docs/2876354>;
2. Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни <https://lex.uz/docs/26477#27856>;
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ҳамда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралашганлик учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори <https://lex.uz/uz/docs/-1602168>;
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 08.08.2025 йилдаги ЎРҚ-1080-сон Қонуни <https://lex.uz/docs/-7675869#-7680096>;
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июльдаги “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 200-сон Қарори <https://lex.uz/docs/-1498826#-1498890>;
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.01.2024 йилдаги 39-сонли “Ижро ҳужжатлари бўйича хатланган мол-мулкни шартнома-воситачилик шартлари

асосида реализация қилиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори
<https://lex.uz/docs/6767288>.